

Махзуна (тахаллуси; асл исм-шарифи Мехрибон мулла Бошмон кизи, тахминан 1811, Кўкон — ?) — ўзбек шоираси. Кўконнинг Катагон даха Мулла Бошмон махалласидан бўлиб, отаси махалла масжиди имоми Мулла Бошмон Охунддир. Ота-онаси кўлида савод чикарган, араб, форс тилларини мукамал ўрганган. Навоий, Жомий, Фузулий ва бошка ижодидан таъсирланган, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. Хаёти ва ижоди хакида «Мажмуаи шоирон» (Фазлий), «Тазкират уш-шуаро» (Хашмат) тазкираларида айрим маълумотлар учрайди. Фазлий тазкирасида Махзунанинг оила ва хозиржавоблиги, Кўконда машхур шоира эканлиги айтилган. Хашмат, Писандий, тарихчи Ахмаджон тўралар ҳам Махзунанинг баркамол шоиралигини хабар қиладилар. Унинг шеърий қобилияти, шахсий фазилатлари хакида энг кўп ва илик фикрлар ёзиб қолдирган ягона шоир хозирча Фазлийдир.

Фазлий: «Гарчи ул заифа бўлса ҳам, нуткининг мазмундорлиги жихатидан эркаклардан устундир», дейди. Фазлий билан Махзунанинг машхур мушоираси, «Ошиқ бўлмишам» (ўзбекча) мухаммаси, «Сахбо» (форсча) газалигина бизгача етиб келган. Девони сақланмаган.

МУШОИРА

Фазлий

-Юз офарин сўзингга лубби лубоб кўрмай,
Арзи жамол этарму, ойина об кўрмай?

Махзуна:

- Кимдин чикар бу сўзлар багрин кабоб кўрмай,
Ганж ўлмагай муяссар холинг хароб кўрмай.

Фазлий:

-Мастураи суханга пўшидалиг муносиб,
Маъни арусини бас ман беникоб кўрмай.

Махзуна:

- Йўк айби сўзларимни гар бўлмаса муаддаб,
Андокки ўт кўкаргаи хеч офтоб кўрмай.

Фазлий:

-Майгун лабинг хадиси маст этди гойибона,
Кайфият ўлди зохир жоми шароб кўрмай.

Махзуна:

-Бир вахж буки табъим хом асрамиш замона,
Чархи сипехрдин ул хеч нечутоб кўрмай.

Фазлий:

- Мундогки нуктадонсан ким эрди устодинг,
Ой каби нур килмас то офтоб кўрмай?

Махзуна:

- Кўб нахрлар йигилса, даръёи пурдур ўлгай,
Илм ахлидин бу мискин бир шайху шоб кўрмай.

Фазлий:

- Бир нукта айла зохир, Фазлийни кўйма Махзун,
То кетмайин Намангон сандин жавоб кўрмай.

Махзуна:

- Байтулхазан ичинда узлат тутуб бу Махзун
Фазли илохидур бу, йўкса китоб кўрмай.

ГАЗАЛЛАР

Качонким лаъли нобинг сўзда майли нўшханд этди,
Хазин жону кўнгулни талхкому дардманд этди.

Бути номехрибони масти лояъкил чикиб вахким,
Бошимга сакратиб, хоки таним гарди таним гарди саманд этди.

Вафосиз дилрабодин шиква килсам айб килманглар
Ки мен жон бердим-у, агёрни ул аржуманд этди.

Ямон кўз тегмасун хуснумга деб ул хўблар шохи,
Жамоли оташига донаи холин сипанд этди.

Хама ушшок элин катл этгали бебок жаллодим
Кошидин тиг тортиб, тори кокилдин каманд этди.

Киё бокайму ддеб Махзун, кўнгул кўп интизор эрди,
Бихамдилло, ки мужгон новакидин бахраманд этди.

* * *

Эмасман чарх даври ичра майдин хеч бегона,
Куёшнинг косасиддек ўйнагай кўлимда паймона.

Топилмас ранги саргайган киши майхонамиз ичра,
Агар жўш урса майнинг химмати мажлисда мардона.

Чирोगи давлати ўчмас сира сар-сар шамолидин,

Агар майдин кишининг жоми ичра тушса дурдона.

Факат кайрилма кошдин ўзгага маст этмагай сажда,
Шунинг-чун бош эгар май даргахига ринди мастона.

Эрурлар бошка олам кавмидин маънога ошиқлар,
Чивиндек бўлма, эй Махзуна, сен сахбога парвона.

М. Муинзода таржимаси

МУХАММАС

Дўстлар бир хусни бе хамтоя ошиқ бўлмишам,
Хур пайкар бир малак симоя ошиқ бўлмишам,
Нутки ширин, лаъли рух афзоя ошиқ бўлмишам,
Гамзаси котил, кўзи шахлоя ошиқ бўлмишам,
Хусн элининг шохи бир мирзоя ошиқ бўлмишам.

Кўрган эрмас уйда бир махвашни чашми рўзгор,
Хулки ширин, гулбадан рашки чаман насрин изор,
Ноз ойину тагофул паша, истигно шиор,
Илтифот этмас агар юз жон топиб килсам нисор,
Бир ситамгар шўхи бепарвоя ошиқ бўлмишам.

Оразин очкоч куёш анворини айлар адам,
Жон гизолига берур вахший кўзи таълими рам,
Лабларини олдида канду асалдур мисли сам,
Зулфу кадду оразидин мунфаил боги эрам,
Кишвари хусн ичра бир яктоя ошиқ бўлмишам.

Кошлари бир-бирга пайванд икки мушкини хилол,
Кўзлари юз маргузорига икки вахший гизол,
Комати боги мурод ичра янги биткан ниҳол,
Олло-олло ким кўрубдур, бу латофатлу жамол.
Хусн аро бир мисли нопадоя ошиқ бўлмишам.

Ушбу хайрат бирла кўрган нахли кадди жилвагар,
Бовар этмас гар улус берса шаходат, деб башер,
Орази андок мусаффо ким килиб бўлмас назар,
Бадри рухсорин кўруб, бўлди хижолат бу камар,
Рашки Юсуф бир бути зебоя ошиқ бўлмишам.

Махваши хурлико, гулгун кабо, гул пирахан,
Коши истигно хилоли, гамзаси лашкар шикан,
Гунчаи хандондур огзи, тишлари дурри Адан,

Бўлмади бир дам жамолидин ёруг байтулхазан,
Токи ул мохи жахон пероя ошик бўлмишам.

Эй мани Махзун мусофирга маломат бе сабаб,
Тутмасам фармони ни мардуд этиб айлар газаб,
Жуз ризийи дўст, ишк ахлига не бўлгай талаб,
Чиккали исломдин зуннор боглаб йўк ажаб,
Менки бир дин офати тарсоя ошик бўлмишам.